

# Жума намози



10:57 / 24.05.2024 40712

## Жума намозининг ҳукми

Жума намози қуйидаги етти шартни жам қилган бўлиб, ҳар бир мусулмон учун фарзи айнди. Фарз бўлишининг шартлари:

1. Эркак бўлиши;
2. Озод бўлиши;
3. Шаҳарда ёки шаҳар яқинида истиқомат қилиши;
4. Соғлом бўлиши;
5. Золимнинг ҳамласидан омон бўлиши;
6. Икки кўзи кўр бўлмаслиги;

7. Икки оёғининг бирданига оқсоқ ёки шол бўлмаслиги.

### **Дуруст бўлишининг шартлари**

1. Жума намози пешин намозининг вақтида ўқилиши зарур. Пешин намозининг вақти кирмасдан жума ўқилиши дуруст эмас. Жума ўқиладиганида вақт чиқса, у бекор бўлади.

2. Вақтида (фарз намозидан аввал) жума хутбаси нияти билан, жума намозига жамоат бўла оладиган кишилар ҳузурида имом хутба ўқиши керак.

3. Барчанинг масжидга кириб, бемалол намоз ўқиши мумкин бўлиши зарур.

Ҳанафий мазҳабида кўра, жума фарзи учун етарли жамоат қул, мусофир ва беморлардан иборат бўлса ҳам, имомдан бошқа уч эркак кишидир. Мазкур жамоат билан жума намози ўқиш мумкинлигининг шарти бу кишиларнинг биринчи саждага боргунча имом билан бирга қолишларидир. Илк саждани қилгач, (намозни бузиб) тарқайдиган бўлишса, имом намозни ёлғиз ўзи жума намози сифатида тамомлайди Аммо имом биринчи саждага бормасидан, жамоат тарқаладиган бўлса, намоз бузилади. Уч кишилик жамоатнинг бири аёл ёки ёш бола бўлса, намоз саҳиҳ бўлмайди. Қул, мусофир ва беморнинг жума намозида имом бўлиши жоиздир.

### **Жума намозининг хутба ва суннатлари**

Жума хутбасида тасбеҳ ёки таҳмид билан кифояланиш, кароҳат билан жоиздир.

Жума хутбасининг ўн саккиз суннати бор:

1. Хутба ўқийдиган кишининг нажосат ва жанобатдан пок бўлиши.

2. Аврат жойларини беркитиши.

3. Хутбани бошлашдан аввал минбарда ўтириши.

4. Имом-хатибнинг олдида азон айтилиши.

5. Имом-хатибнинг жамоатга юзланган ҳолда хутба ўқиши.

6. Хутбани Аллоҳга ҳамду сано билан бошлаши.
7. Калимаи шаҳодатни ўқиши.
8. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтиши.
9. Жамоатга ваъз-насиҳат қилиши.
10. Жамоатга Аллоҳнинг азобидан қутқарадиган сабабларни эслатиши.
11. Қуръондан бирор бир оят ўқиши.
12. Хутбани иккига бўлиши.
13. Икки хутба орасида ўтириши.
14. Иккинчи хутбани ҳам яна Аллоҳ таолога ҳамду сано ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот билан бошлаши.
15. Иккинчи хутбада барча мўминларга дуо ва мағфират тилаши.
16. Жамоатнинг хутбани эшитиши.
17. Ҳар икки хутбани «тивולי муфассал», яъни Қуръони Каримнинг Ҳужурот сурасидан Буруж сурасигача бўлган қисми узунлиги миқдорида қилиши. Бундан чўзиш ва суннатлардан бирини тарк қилиш макруҳдир.

### **Жума намозига оид турли масалалар**

1. Жума куни биринчи азон айтилгач, мусулмонларнинг савдо-сотиқ (каби дунё) ишларини тўхтатиб, жума намозига боришлари фарздир.
2. Имом минбарга чиққанида хутба ва жума фарзи тамом бўлгунича, жамоатдагиларнинг гапириши ва нафл намози ўқиш жоиз эмас.
3. Хутба эштаётганларнинг еб-ичишлари, кераксиз нарсалар билан шуғулланишлари, у ёқ-бу ёққа қарашлари, саломга алик олишлари ҳамда аксирганга «ярҳамукаллоҳ» деб жавоб қайтаришлари макруҳдир.
4. Имом-хатиб минбарга чиққач, жамоатга салом бермайди.
5. Азон айтилгач, жума намозини ўқимасдан сафарга отланиш (тахриман) макруҳдир.

6. Бемор, мусофир ва аёлларга ўхшаш жума намозини ўқиши фарз бўлмаган кишилар, агар жума намозини ўқисалар, пешин намозининг ўрнига ўтади ва пешин намози улардан соқит бўлади.

7. Бемор, мусофир ҳамда қулга ўхшаш узрли кишиларнинг жума намози ўқилган жойда пешинни жамоат билан ўқишлари макруҳдир.

8. Жума намозига ташаҳҳудда ёки саҳв саждасида қўшилган киши жума намозига улгурган ҳисобланади.

**«Ҳилол» журнали 12(57) сон**